

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИДА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ
ВА ТОПШИРИҚЛАРНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА НАЗОРАТНИ
ТИЗИМЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

**Назорат ва ижро интизоми
бўлими бошлиғи
Нуриев Аббос**

	Ижро ва назоратни ташкил этиш	Бажариш муддати	Таркибий бўлинмалар
1.	Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларини (кейинги ўринларда - қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар) рўйхатдан ўтказиш ҳамда раҳбариятга ахборот бериш.	Келиб тушгандан 30 дақиқа мобайнида	Девонхона
2.	Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича аниқ ижрочилар, муддатлар ва бажариш механизми кўрсатилган топшириқларни тайёрлаш ҳамда ижрочиларга етказиш.	Келиб тушгандан уч кун муддатда, агар бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса	Масъул ижрочилар
3.	Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича амалга ошириш графиклари (назорат режалари)ни тайёрлаш, тасдиқлаш ва ижрога қаратиш (заруриятдан келиб чиқиб).	Топшириққа мувофиқ белгиланган муддатларда	Масъул ижрочилар
4.	Топшириқлар ижро ҳолатини вазир ўринбосарлари ҳузурида ҳар ҳафта жума куни, вазир ҳузурида ҳафтанинг душанба куни муҳокама қилиб бориш.	Ҳар ҳафта жума ва душанба кунлари	Назорат ва ижро интизоми бўлими, масъул ижрочилар
5.	Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолатини Вазирлик ҳайъати мажлисларида муҳокама қилиш ҳамда тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминланмаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик масалаларини кўриб чиқиш.	Ҳар ойда	Назорат ва ижро интизоми бўлими
6.	Топшириқлар ижросини таъминлаш жараёнида аниқланган муаммоли масалалар юзасидан тегишинча Вазирлар Маҳкамаси ёки Ҳисоб палатасига ахборот киритиш.	Заруратга кўра	Назорат ва ижро интизоми бўлими, масъул ижрочилар

	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	 <p>Вазирликнинг Назорат ва ижро интизоми бўлими</p>	<ol style="list-style-type: none">1. “Ijro.gov.uz” тизими орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича келиб тушган маълумотларни қабул қилиш.2. Вазирлик аппаратида топшириқлар бўйича масъул ижрочини белгилаш.3. Топшириқларни назоратга олиш.	 <p>топшириқлар олинган кундан бошлаб бир кун муддатда</p>
2-босқич	 <p>Вазирликнинг масъул ижрочилари</p>	<p>Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни амалга ошириш ҳолати ва ижроси тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи ахборотни илова қилган ҳолда “Ijro.gov.uz” тизимиغا киритиш.</p>	 <p>Белгиланган муддатларда</p>
3-босқич	 <p>Вазирликнинг Назорат ва ижро интизоми бўлими</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Масъул ижрочилар томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг бажарилиши натижаларини кўриб чиқиш.2. Ижро натижалари қониқарсиз бўлганда – уларни масъул ижрочиларга қайта ишлашга жўнатиш.	 <p>бир соат ичида</p>

